Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 82 (7. 171) ◎ 1990 йил 11 апрель, чоршанба Баҳоси 3 тийин

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◎ Бугун Москвадаги Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг XXI съезди очилади.

Кеча съезд делегатлари СССР Президенти М. С. Горбачев билан учрашдилар. Учрашувда ўртоқ М. С. Горбачев нутқ сўзлади. Мазкур нутқнинг матни бугун марказий газеталарда эълон қилинган.

◎ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси съездолди мунозараларининг борши, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳаларининг муҳокамаси билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Сиёсий бюро мажлиси ҳақидаги хабар марказий газеталарда берилган.

◎ Республика газеталарида «Ўзбекистон ССР ҳукуматининг келгусидаги фаолияти дастури ва Ўзбекистон ССРни иқтисодий, ижтимоий-маънавий мустақиллигини шакллантиришнинг асосий концепциялари тўғрисида» ҳамда «Имтиёзлардан фойдаланишни тартибга солиш комиссиясини тузиш тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг қарорлари берилган.

◎ Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Ўзбекистон ССР матлубот кооперацияси системасида тайёрлаш фаолиятини ва қайта ишловчи саноатни тубдан қайта қуриш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг матни ҳам республика газеталаридан ўрин олган.

КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш

Туб ўзгартишларга ишонч

«Партиянинг ўзи тубдан қайта қурилмаса, у пешқадамлик позициясини сақлаб қола олмайди, ўзи бошлаган ва халқ қўллаб-қувватлаган ишни мана шу кескин бурилиш даврида давом эттира олмайди». КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида айтилган бу сўзлар коммунистларни қайта қуришда яна ҳам фаолроқ бўлишга, уларнинг жанговарлигини оширишга қаратилганлигига ҳеч қан-дай шубҳа йўқ. Бўлажак съезд олдидан партия ташкилотлари бу катта анжуманга алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Съезднинг коммунистлар ҳаётида туб ўзгартишлар ясашга ишонч билдиришмоқда. Жойларда эса Ҳаракат дастури муҳокамаси давом этмоқда. Бу ҳақда Тошкент Давлат дорилфунуни партия комитети котибининг ўринбосари Анвар Холматович Юнусов жамоатчи мухбиримизга шундай деди:

— Ҳаракат дастури муҳим аҳамиятга молик ҳужжатдир. У бизнинг бундан буён янада самарали ишлашимизга асос бўла олади. Дастур лойиҳасини партия ташкилотимиз аъзолари қизғин муҳокама этдилар. Дорилфунун қуйи партия ташкилотлари кенгашида ҳам дастур кенг муҳокама қилинди. Коммунистлар ва КПСС аъзолигига номзодлар партия ташкилотларини тубдан қайта қуриш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Уларнинг кўпчилиги КПСС Уставини янгилашни ҳаётнинг тақозо этаётганлигини яшириб ҳам ўтиришмади. Ҳақиқатан ҳам бу масала эндиликда кўпчиликни ҳаяжонлантирмоқмоқда.

Партия ташкилотимизда ташаббускор, ишбилармон ва вазиятни чуқур таҳлил этувчи коммунистларимиз кўпчиликни ташкил этишади. Улар ҳозирги давр воқеаларига бефарқ қараб туришгани йўқ. Коммунистларнинг шаънини ҳимоя қилиш, обрўйини мустаҳкамлаш ва ролини ошириш учун амалий таклифлар билан ўртага чиқмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотларининг ролини, иш услубини ва шаклини танлашдаги мустақиллигини кадр, молия ва бошқа масалаларни қамраб олувчи тадбирлар белгиланиши кераклигини эътироф этишмоқда. Яна бир гап. КПСС съездини менимча ҳар беш йилда эмас, балки уч йилда ўтказиб туриш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилса фойдадан холи бўлмасди. Бу Марказий Комитет органларини янгилаб туришга имкон яратган бўларди.

Партияга қабул қилишда ҳозир анча талаб ошди, Янгича ёндошув ва услублар қарор топди. Шунга монанд КПСС сафига энг ишончли, унга содиқ кишиларнинг қабул қилинишига эришиладиган бўлди. Илгарилари номзодлар бир йиллик синовдан ўтишар, уларнинг фаолияти ва маҳоратига етарлича баҳо беришга улгурмай қолардик. Эндиликда эса бу масалага бошқача ёндошилмоқда. КПСС аъзолигига номзод бир йил синовдан ўтиб, иккинчи йили номзодликка қабул қилинаяпти. Унинг партия топшириғини қандай бажараётгани ҳақидаги ахборот мунтазам равишда очиқ партия йиғилишларида тинглаб борилмоқда. Ўз ўрнида номзод коммунистлар ҳузурида ҳисобот ҳам бериб турилибди. Муносиб деб топилганлар синовдан ўтгач ва номзодлик муддатини ўтагач, КПСС аъзолигига қуйи партия ташкилотларининг ўзида қабул қилинмоқдалар. Партияга бўлган муносабат ўзгараётган пайтда КПСС сафига кириш истагида юрганларнинг сони дорилфунунимизда ҳали ҳам камайгани йўқ. Аксинча кўпайди. Бу уларнинг партияга ишончи мустаҳкам эканлигидан далолат бериб турибди.

Қилинадиган ишлар кўп. Олдимизда муҳим вазифалар турибди. Қуйи партия ташкилотларида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида бизнинг фаолиятимизга, коммунистларнинг тутган ўрнига холис баҳо берилмоқда.

Суҳбатдош М. СОБИРОВА.



◎БАХТИ КУЛГАН ИШЧИ. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Ҳидоят Тешабоева. Т. Каримов сурати.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мажлисидан

РАҲМ-ШАФҚАТ: ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАР

◎ **6 апрелда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов раислигида бўлиб ўтган мажлисда «Раҳм-шафқат ва саломатлик» Совет фондининг шаҳар бўлимини тузиш қандай бораётгани тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**

МАЪЛУМКИ, уни ташкил этиш тўғрисидаги қарор ўтган йилнинг охирида қабул қилинган эди. Ўшандан буён ўтган 3 ойдан зиёд вақт ичида шаҳарда ёлғиз, кекса, кам таъминланган фуқароларни умумий овқатланиш корхоналари ёрдамида бепул иссиқ овқат билан таъминлаш бўйича баъзи ишлар қилинди. Масалан, шаҳардаги (мавжуд 11 та район ошхоналар трестидан) 8 та ошхоналар трестида 42 та жойда 740 кишн учун бепул овқат ташкил қилинди. Шу жумладан уйда ўтириб қолган 200 кишига уйларига овқат олиб бориб берилди. Шаҳардаги йирик қишлоқ хўжалик бозорларида—«Октябрь», «Фарҳод», «Олой», «Госпиталь», «Шимолий» ва «Жанубий» темир йўл вокзаллари, Тошкент, Самарқанд автовокзаллари, аэропортларда бошпанасиз ёки турли хил вазиятлар сабабли раҳм-шафқатга муҳтож, ночор кишиларга овқат ташкил этишга асос солинди.

Аммо бу ишнинг бошланиши, холос. Бу жуда ҳам оз, деб таъкидлади шаҳар ижроия комитети мажлиси ишида қатнашган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков. У бу йўналишда шаҳар хизмат бўлимлари ишини кескин танқид қилди. Тошкентда бугунги кунда 252656 киши пенсионердир. Улардан 178 минг киши қарилик бўйича, 30778 киши энг паст миқдорда пенсия олишади. 7952 киши эса стажи тўла бўлмаганлиги учун ундан ҳам кам пенсия олишади. 4331 киши ногирон ва жуда кексайиб қолган кишилар бўлиб, 35 сўм 85 тийиндан олишади. Бу рақамлар шуни кўрсатиб турибдики шаҳримизда раҳм-шафқатга, оддий, инсоний кўмакка муҳтож замондошларимиз ҳали кўп.

Агар бунга ота-оналар томонидан эътиборсиз қолдирилган болаларни, кам таъминланган оилалардан чиққан, унчалик кўп бўлмаган стипендия олаётган талабаларни ҳам қўшсак шу нарса маълум бўладики, тўлақонли раҳм-шафқат хизматини ва унинг самарали фаолиятини ташкил этиш учун ҳали қанчалар кўп иш қилишимиз керак. Ҳақиқий раҳм-шафқат хизматини ташкил этиш, уни зарур маблағлар билан таъминлаш тўғрисида ҳар бир район Совети ижроия комитети, корхоналар, ташкилотларнинг ғамхўрлик қилмоғи керак. Барча соф виждонли у ёқи бу ҳайр-эҳсон қилишга қодир бўлган кишилар буни унутмасликлари лозим. Бизнинг жамиятимизда эътиборимиздан четда қолган кишилар бўлмаслиги керак.

Ижроия комитет мажлисида республика ҳукуматига раҳм-шафқат уйи қуриш, унда хизмат кўрсатишнинг ҳамма турларини яратиш тўғрисида таклиф билан чиқиш зарурлиги ҳақида ҳам гапирилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети 1989 йил 22 декабрда қабул қилган «Раҳм-шафқат ва саломатлик» Совет фондининг Тошкент шаҳар бўлимини тузиш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлигини яна бир марта синчиклаб текширишга ва май ойида бу масалага қайтиш ҳамда янада муфассал кўриб чиқишга қарор қилди.

НАВРЎЗ БАЙРАМИ ЯКУНЛАРИ

◎ **Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида Наврўз байрамини ўтказиш якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**

ЎША март кунлари, қадимий баҳор байрами, табиат ёшариши, тинчлик ва барча миллат вакилларининг дўстлик байрами тошкентликларнинг шундоққина кўз олдида турибди. У бу йил биринчи марта шу қадар кенг, умумхалқ байрами сифатида ўтди. Бунга эса Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 21 март кунини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақидаги қарори сабаб бўлди. Ўзбекистон пойтахтида унга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Бош бошқармалари, бошқармалари, хизмат бўлимлари, корхоналари, маҳалла комитетлари ва жамоат ташкилотлари кўмаклашдилар. Байрамга тайёргарликни мувофиқлаштириб бориш учун шаҳар ташкилий комитети тузилди. У иштиёқ ва ғайрат билан ишга киришди. Унинг иш тажрибаси муайян қиймат касб этди ва у ҳақда муфассалроқ ҳикоя қилиб беришга арзийди. Ташкилий комитет мунтазам равишда ўз мажлисларида байрамга умумий овқатланиш корхоналари, маданият ташкилотлари қандай тайёргарлик кўраётганини, район Советлари ижроия комитетлари маҳаллаларнинг ва турар жой даҳаларининг аҳолиларига қандай ёрдам бераётганини, шаҳардаги миллий-маданий марказлар қандай ёрдамга муҳтожлиги, уларнинг Наврўзни нишонлашда жуда фаол иштирок этиш истаги — ҳамма-ҳаммаси кўриб чиқилди.

Байрам тадбирлари бир қатор районларда, маҳаллаларда, турар жой мавзеларида 18 мартдан бошлаб ўтказилди ва кундан-кунга кенг тус олиб, 20 март кеч соат 5 ларда байрам умумшаҳар миқёсига айланиб кетди. Бу ҳақда шаҳарликларни чиройли безатилган кўчалар байрамга чорларди. 21 март куни эса СССР Халқлари дўстлиги саройи олдидаги майдонда, К. Маркс кўчасидаги йўловчилар дам оладиган жойда, Навоий кўчасидаги чеҳрият хиёбонида ҳаваскорлар ва етук бадиий жамоалар, спортчилар, шоирлар, ёзувчилар иштирокида асосий театрлаштирилган томошалар бошланиб кетди. Наврўзнинг ўтказилиши умумхалқ байналмилалчилик сайлига уйғунлашиб кетди. Бу эса Тошкентда истиқомат қилаётган миллат ва элатларнинг жипслашувига ёрдам берди, албатта. Наврўз 200 дан зиёд маҳаллаларда, турар жой даҳаларида, барча саноат корхоналари ва ташкилотларида, ўқув юртларида нишонланди. 32 та клуб ва маданият уйлари жамоалари байрамда ўз дастурлари билан чиқишди. Халқ анъаналарининг кўпини байрам ташкилотчилари ва қатнашчилари ёдга олдилар. Умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари халқ анъаналари асосида ўз корхоналарида қадимий миллий таомларни — ҳалим, сумалак, турли қандолат маҳсулотлари, пазандаликка доир маҳсулотлар қадимий миллий ошхоналар йўсинида тайёрланди. Уларда умумий овқатланиш корхоналарининг 7 мингдан зиёд ходимлари иштирок этишди. Масалан, сумалакнинг ўзидан салкам 10 тонна харид қилинди.

Шаҳарликларнинг, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларининг редакцияларига келган жуда кўплаб хатларида берилган баҳоларга кўра баҳор ва дўстлик байрами яхши ўтди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказишда фаол иш олиб боргани учун унинг қатнашчиларидан катта бир гуруҳини Фахрий Ёрлиқлар билан тақдирлади.

КОМСОМОЛЛАРНИНГ БИРИНЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бектемир районида комсомолларнинг биринчи конференцияси бўлди.

Конференция делегатлари Бектемир район комсомол ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар. Унинг раҳбар органларини сайладилар. Конференцияда, шунингдек, Ленин ва Ҳамза районларининг баъзи бошланғич комсомол ташкилотларининг янгитдан ташкил этилган Бектемир район комсомол ташкилоти қарамоғига ўтиши ҳақида қарор қабул қилинди.

Конференция тугаганидан сўнг район комсомол комитетининг биринчи ташкилий пленуми бўлди. Унда Наримонов шаҳар комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлаган В. Пяк район комсомол комитетининг биринчи секретари, Тошкент тажриба-синов механика заводининг мастери Б. Назиров, Бектемир районидаги 2-мактабнинг синфдан ташқари ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчиси Б. Исмоилова район комсомол комитетининг секретарлари этиб сайландилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР

◎ **15 апрелда 49-Жуковский сайлов округидан ва 73-Нариманов сайлов округидан республика халқ депутатлигига такрорий сайловлар бўлиб ўтади.**

Округ сайлов комиссияларининг хабарларига кўра қуйидагилар республика халқ депутатлигига номзодлар этиб рўйхатга олиндилар:

49-ЖУКОВСКИЙ САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Семочкин Геннадий Яковлевич — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цехининг бошлиғи, 1934 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Волков Игорь Георгиевич — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, 1946 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Раҳимов Шуҳрат Хударганович — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, 1951 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Мельничук Василий Иванович — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қошидаги Ўзбекистон ССР байналмилалчи жангчилар ва запасдаги жангчилар уюшмасининг раиси, 1963 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Липатов Владимир Михайлович — 2-автобус паркининг директори, 1949 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Ҳасанов Неъматилла — Ҳамза район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, 1936 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

73-НАРИМАНОВ САЙЛОВ ОКРУГИДАН

Олимов Одил — «Ташавтотранс» экспедиция комбинатининг ҳайдовчиси, 1951 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Ниёзматов (Омонулла) Вилор Раҳматуллаевич—КПСС Марказий Комитетининг «Советская культура» газетаси ўз мухбири, 1937 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Оқилов Ҳусан — портлатиш йўли билан бурғулаш ишларини олиб борувчи махсус бошқарма бошлиғи, 1933 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

◎ **БУГУН Собир Раҳимов районининг 3-Беруний даҳасида 320 ўринли болалар боғчаси жажжи ўғил-қизлар ихтиёрига топширилди.** Бу ерда болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиши учун ҳамма шароитлар мавжуд. 159-трестнинг 61-қурилиш бошқармаси бинокорлари болалар дидига мослаб ўйин жиҳозларида мультфильм қаҳрамонларини акс эттиришган.

Д. МУРОДОВ.

Газламалар ярмаркаси

● Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида газламалар сотиш юзасидан республика улгуржи савдо ярмаркаси очилди.

— Ярмарка ўтказишдан мақсад — 1991 йил учун шартномалар тузишда ёрдамлашишдан иборат, — дейди республика План комитети раисининг ўринбосари, ярмарка комитетининг раиси В. Коровкин. — Савдо учун Ўзбекистон Енгил саноат министрлиги ва Маҳаллий саноат министрлиги корхоналарида тайёрланган жуда хилма-хил ип-газлама, шойи ва жун газламалар таклиф қилинган.

Ярмарка 14 апрелга қадар давом этади.

(ЎзТАГ).

Янгиликлар Воқеалар Хушхабарлар

Талабаларни ўйлаб

◎ 8-ТРЕСТ қурувчилари самолётсозлик техникумининг янги 9 қаватли ўқув корхонасида 600 талабага мўлжалланган йигитлишлар зали ҳамда 200 кишилик ошхонани тахт қилиб қўйишди. Ҳозир икки қаватли спорт хонаси ва лаборатория хонаси қурилиши давом этмоқда. Умуман бу янги корпусни бунёд этиш учун 3 миллион 960 минг сўм ажратилган. 1 сентябрда талабалар бу янги бинода ўқишни бошлайдилар.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

Шифо топасиз

◎ **ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Шота Руставели кўчасида қад кўтарган тўрт қаватли бино яқинда қайтадан сайқал топди.** Стационар кўринишидаги шифохона жойлашган бинони мукаммал жиҳозлаш ишлари тезкорлик билан сифатли бажарилди. Бунинг учун 120 минг сўмлик пул сарфланди.

Шуниси қувонарлики, бу ерда бир йўла икки корхона ишчи-хизматчилари ўз саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Тошкент тўқимачилик машинасозлиги ва электрон-техника заводлари маблағлари ҳисобидан қайта жиҳозланган мазкур стационарда бир йўла 100 бемор даволаниши мумкин.

Турли медицина асбоб-ускуналари билан бир қаторда саломатлик учун хизмат қиладиган замонавий мебеллар келтирилди. Бу ерда янги рентген қурилмасини ўрнатиш ишлари ҳам тугалланди.

С. ОДИЛОВА.

Танбур таронаси

◎ **ТАНБУРНИНГ ёқимли овози дилларга ҳузур бахш этади. Шундай эмасми?** Луначарский шоссесининг марказида жойлашган миллий чолғу асбоблари фабрикасида бугунги кунда 35 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда бу ерда 200 дан ортиқ янги меҳнат қилади. Фабрика яқинда Тошкент Давлат консерваторияси учун ўн дона «Алт» деб номланган янги танбур ишлаб чиқарди. Ҳозир эса яна шунча «Прима» деб номланган танбур ишлаб чиқариш давом этмоқда.

Яна бу ерда умумий майдони 720 квадрат метр бўлган янги цех битай деб қолди. Цех икки қаватли бўлиб, биринчи қаватида тўртта участка — ўйинчоқ ишлаб чиқариш, рубоб косаси ишлаб чиқариш, металл қисмлари ва тайёрлов участкалари бўлади. Шунингдек бу ерда маиший хизмат комплекси жойлашади.

О. РАҲМОНОВ.

Спорт

◎ **Футбол бўйича биринчи лига чемпионатида иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.** Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Бокуда «Нефтчи» футболчилари билан учрашиб 3:0 ҳисобида мағлубиятга учради. Қолган учрашувлар қуйидаги натижаларда тугади: «Факел» — «Локомотив» (Горький) — 2:0, «Таврия» — «Геолог» — 0:1, «Тирас» — «Шинник» — 1:1, «Кубань» — «Кузбасс» — 1:0, «Зенит» — «Қайрат» — 0:1.

Эндн «Пахтакор» футболчилари навбатдаги тур ўйинларини 17 апрель куни Тошкентда Кишинёвнинг «Нистру» футболчилари билан ўтказишади.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● **БРАТИСЛАВА. Венгрия, Польша ва Чехословакия раҳбарларининг бу ерда бўлиб ўтган учрашувида қитъадаги хавфсизлик, Умумевропа ва регионал ҳамкорлик, «Европага қайтиш»га онд биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш муаммолари диққат марказида бўлди.**

ЧСФР ташқи ишлар министрлигининг матбуот секретари Л. Домбровскийнинг мухбирлар билан учрашувда хабар қилишига қараганда, президентлар, ҳукумат бошлиқлари ва ташқи ишлар министрлари, шу жумладан Австрия, Италия ва Югославия ташқи сиёсий маҳкамаларининг кузатувчи сифатида таклиф этилган раҳбарлари ўртасидаги музокаралар дўстона ва рўй-ростлик муҳитида ўтди. Яқин вақт ичида Марказий ва Шарқий Европадаги мамлакатлар ҳамкорлиги ва биргаликдаги ҳаракатлар тўғрисидаги декларация матнини тайёрлайдиган таҳрир группасини тузиш хусусида келишиб олинди.

● **СОФИЯ. БХР президенти Петр Младеновнинг мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий кучларнинг раҳбарлари билан давом этган маслаҳатлашувларида демократияга тинч йўл билан ўтишнинг муҳимлиги таъкидланди.** 6 апрель куни бошланган маслаҳатлашув Болгария сиёсий турмушининг долзарб муаммоларига бағишланган эди.

Учрашув чоғида П. Младенов Буюк халқ кенгашига шу йилнинг июнь ойида режалаштириб қўйилган сайловга ақл-идрок билан ва тинч тайёргарлик кўриш жараёнини таъминлаш зарурлигини уқтирди.

● **ХАРАРЕ. Зимбабве президенти Роберт Мугабе мамлакат ҳукуматининг янги составини эълон қилди.** Ҳукумат структураси илгаригидек сақлаб қолинган. Саймон Музенда мамлакат вице-президентлигича қолган. Бироқ Р. Мугабенинг таъкидлашича, яқин орада парламент эътиборига иккинчи вице-президентлик лавозимини тайин этиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тақдим этилади. Бу лавозимни ҳозирча президент маҳкамаси ҳузуридаги катта министр мансабини ўзида сақлаб қолган Жошуа Нкомо эгаллайди. Ташқи ишлар министри Натан Шамуярира билан ички ишлар министри Мовен Махачи ўзларининг илгариги лавозимларида қолдилар. Илгари шахталар министри бўлган Ричард Хове мудофаа министри этиб тайинланди. Бошқа бир қанча министрликларда мансабдорларнинг лавозими ўзгартирилди.

● **ЛОНДОН. СССР ва Польша қилган сафаридан яқинда қайтиб келган савдо ва саноат министри Николас Ридли Буюк Британия билан Совет Иттифоқи, шунингдек Шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришни ёқлаб гапирди.**

У Британия саноат корхоналари эгаларини саноат ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга мухтож бўлган Шарқий Европа мамлакатлари бозорларига зудлик билан чиқишга чақирди.

Жуда катта бозорлари бўлган Совет Иттифоқи ва Польша сингари мамлакатларда, деб таъкидлади министр, Британия савдо-саноат доираларининг намояндалари учун амалий иш олиб боришда амалда чекланмаган имкониятлар очилмоқда.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР

⊙ 15 апрелда айрим сайлов округлари бўйича Тошкент шаҳар Совети депутатлигига такрорий сайловлар ўтказилади. Округ сайлов комиссияларининг хабарларига кўра қуйидагилар Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзодлар этиб рўйхатга олиндилар.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

18-сайлов округидан

Эргашев Йўлдош — Акмал Икромов район халқ таълими бўлимининг мудири, 1941 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

19-сайлов округидан

Мамедов Анвар Аликаевич — «Синтез» ширкатининг ҳуқуқшуноси, 1956 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Ҳайитова Олмахон — Ўзбекистон Давлат филармониясининг солисти, 1940 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Шораҳмедов Шорасул Қодирович — халқ депутатлари Акмал Икромов район Совети раисининг ўринбосари, 1950 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

20-сайлов округидан

Обилов Саттор Аҳмедович — район жамғарма банки ва турар жой-ижтимоий банкининг бошқарувчиси, 1936 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Иноқов Маҳмуд Қозоқович — Тошкент автомобиль йўллари институтининг катта илмий ходими, 1946 йилда туғилган, партиясиз.

Тўлаганхўжаев Саъдулла Бориевич — Акмал Икромов район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 1951 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

БЕКТЕМИР РАЙОНИ

38-сайлов округидан

Ботиров Қаҳрамон Султонович — Бектемир район поликлиникасининг бош врачи, 1941 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Ибрагимов Олег Николаевич — 483-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи, 1947 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Мирзажонова Ҳайриниса Холматовна — халқ депутатлари Бектемир район Совети раисининг ўринбосари, 1947 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Ҳасанхўжаев Анвар Рамзижонович — Бектемир район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 1949 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

39-сайлов округидан

Аҳмедов Темур Мирсаидович — йирик панелли уйсозлик заводининг директори, 1942 йилда туғилган, партиясиз.

Булах Виталий Павлович — қишлоқ уйсозлик комбинатининг бошлиғи, 1937 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Ҳайдаров Манноп Иброҳимович — ТашАТЭК инженери, 1942 йилда туғилган, партиясиз.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

66-сайлов округидан

Нажмитдинов Фазлиддин Насриддинович — Тошкент шаҳар халқ назорати комитетининг раиси, 1938 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

72-сайлов округидан

Исмоилов Эркин Назиржонович — район спорт комитетининг раиси, 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Сурганов Александр Викторович — бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 1948 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Травков Александр Владимирович — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси агрегат-йиғув ишлаб чиқариши партия комитетининг секретари, 1950 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Фенов Владимир Петрович — Тошкентдаги 1-тажриба экспериментал механика заводи касаба уюшмасининг раиси, 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

75-сайлов округидан

Содиқова Саида Юсуповна — Куйбишев район партия комитетининг иккинчи секретари, 1951 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

78-сайлов округидан

Перегуда Юрий Болеславович — В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти бошлиғининг ўринбосари, 1945 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Саидов Аҳрор Фатхуллаевич — 4-қурилиш трестининг бошқарувчиси, 1941 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Солиҳов Мурот Мелибоевич — Тошкент шаҳри прокуратурасининг бўлим прокурори, 1963 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

85-сайлов округидан

Садритдинов Маслаутдин Камолович — 9-стоматология поликлиникасининг бош врачи, 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

91-сайлов округидан

Ан Владимир Иванович — 4-ихтисослашган трестнинг бошқарувчиси, 1935 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Баришников Виктов Сергеевич — Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, 1947 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Горобец Виталий Тарасович — Туркистон Ҳарбий Округи ҳарбий трибуналининг раиси, 1944 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Дадабоев Содиқжон — Тошкент машинасозлик институтининг доценти, 1949 йилда туғилган, партиясиз.

Соколов Владимир Владимирович — Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр монтёри, 1947 йилда туғилган, партиясиз.

92-сайлов округидан

Иванов Василий Васильевич — ҳарбий госпиталь партия ташкилотининг секретари, 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Березовский Владимир Александрович — журналист, 1952 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Эргашев Бахтиёр Хидиралиевич — Куйбишев район халқ назорати комитетининг раиси, 1953 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Хасиотис Юрий Танасович — Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта инженери, 1952 йилда туғилган, партиясиз.

94-сайлов округидан

Асқаров Анвар Акбархўжаевич — 36-ўрта ҳунар-техника билим юртининг устаси, 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Гребенюк Михаил Кириллович — «Звезда Востока» журнали бўлимининг муҳаррири, 1924 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Гулмиёров Магасум Зайнуллинович — Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси раисининг ўринбосари, 1947 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Мамонтов Борис Александрович — Куйбишев район партия комитетининг секретари, 1949 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

119-сайлов округидан

Одилбеков Исломбек Исмоилович — Тошкент метрополитенининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ревизори, 1951 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Аҳмедов Суннатулла Ҳусанович — Ўзбекистон радиосининг диктори, 1952 йилда туғилган, партиясиз.

Жубаев Сапарбой Дўсжонович — Октябрь район уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмаси директорининг ўринбосари, 1953 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Сафаров Шароф Тешаевич — республика байналмилалчи-жангчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, 1963 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

124-сайлов округидан

Дўстбобоев Толмас Ботирович — «Таштрансспецстрой» трестининг бош инженери, 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Қўчқоров Собиржон Носирович — «Ташгаз» бошқармасининг бош инженери, 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

168-сайлов округидан

Ражабов Ўткур Аҳрорович — 12-автопарк директори, 1941 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

169-сайлов округидан

Азимова Мукаррамхон Аҳадовна — «Комфорт» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, партия ташкилотининг секретари, 1952 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Турсунхўжаев Ғайрат Ҳамидхонович — 10-туғруқхона дорихонасининг мудири, 1949 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

170-сайлов округидан

Хўжаев Рустам Фахмутдинович — Тошкент шаҳар партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари, 1954 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

189-сайлов округидан

Абдурасулов Абдураим Раззоқович — Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи таъмирлаш-қуриш цехининг бетончиси, 1962 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Абсалямов Рафаэль Сайфитдинович — «Абразив комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадасининг бошлиғи, 1954 йилда туғилган, партиясиз.

Охунжонов Собир Собирович — уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент шаҳар кенгашининг раиси, 1919 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Галкина Зоя Андреевна — Фрунзе район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 1943 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Жиров Юрий Минович — Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош технологининг ўринбосари, 1940 йилда туғилган, партиясиз.

Поливанов Евгений Александрович — Тошкент тўқимачилик комбинати бўлимининг бошлиғи, 1944 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Солиев Мурот Қодирович — Тошкент гарнизони махсус қисмлари сиёсий бўлими қошидаги партия комиссиясининг секретари, 1946 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

190-сайлов округидан

Маннопов Николай Ваҳобович — Фрунзе район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, 1947 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Норов Элбек Ирисқулович — Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари, 1959 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Рубеко Анатолий Яковлевич — республика ҳарбий комиссариати сиёсий бўлимининг бошлиғи, 1940 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Тўрахонова Шоира Фозиловна — жамғарма банки ва турар жой ижтимоий банкининг бошқарувчиси, 1953 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

233-сайлов округидан

Зилин Владимир Михайлович — «Узгипросельстрой» институти бўлимининг бошлиғи, 1937 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Рашидова Гулчеҳра Жалиловна — 9-туғруқхона бош врачи, 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси.

Содиқов Соибжон Исмоилович — Чилонзор алоқа узелининг бошлиғи, 1936 йилда туғилган, КПСС аъзоси.



⊙ ПАЙВАНДЛОВЧИ. 12-қурилиш трестининг 50-қурилиш бошқармаси ишчиси Вячеслав Медведев.

Жумҳурият янгиликлари

⊙ ЖИЗЗАХ чўли деҳқонлари экин экиш олдидан ерни суғора бошладилар. «Хоразм» совхозининг деҳқонлари бу ишга биринчи бўлиб киришдилар. Бу ерда сув мелиораторларнинг тавсияларига қатъий риоя этиб, тупроқ таркибига қараб тақсимланади. Ҳар бир жой учун батафсил картограммалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар намликни сақлашга ёрдам беради.

⊙ АНДИЖОН область Ленин районидаги «Социализм» колхозида ерларни озиқлантириш учун органик моддалар бир йилга етарлиқилиб ғамлаб қўйилди. Хўжаликнинг иккита чорвачилик фермаси ва шу атрофдаги паррандачилик комплексларидан сақлаш пунктига тўрт минг тоннадан кўпроқ ўғит олиб келинди. Ўғит бу ерда микроэлементлар билан бойитилади. Органик моддаларни тайёрлаш ёшлар отрядига топширилган эди. Хўжалик учта юк ортгич ва прицепли 15 та тракторни шу отряд ихтиёрига бериб қўйди. Бу пухта ва яхши суръат билан ишлашни таъминлади: колхознинг «унумдорлик пункти»га ҳар куни 150 тоннагача маҳаллий ўғит келтирилди.

⊙ КИРОВ номли совхознинг барча қишлоқларида янги боғ-роғлар пайдо бўлди. Бу чўпон хўжалигида кўчат ўстириладиган кўчатхона ташкил этилганлиги натижаси бўлди. Қўйчилик билан шуғулланувчи Фориш районининг бошқа хўжаликларида ҳам мевали боғлар анча кенгайтирилмоқда. Кўчатларни эса уларга энди мевали дарахтлар ҳам етиштиришга ихтисослаша бошлаган район ўрмон хўжалиги етказиб бераяпти.

⊙ АНДИЖОН областидаги «Ойим» совхозининг деярли эллик гектар адир ерлари энди боғга айланди. Бу ерга олма, шафтоли, ўрик, олхўри кўчатлари экилди. Узумзор барпо этиш учун ҳам жой тайёрланмоқда. Бу ерда икки йил илгари пахта майдонлари қисқартирилганидан кейин боғдорчилик ривожлана бошлади. 1992 йилда эса совхознинг бутун адир ерлари боғ ва узумзорларга айланади. Хўжаликда ҳозирнинг ўзидаёқ биринчи ҳосилни қайта ишлаш учун база тайёрланмоқда. Мевали консервалар тайёрлайдиган ускуналар ўрнатила бошланди. Бу мавсумда уч минг шартли банка шарбат, компот ва мураббо тайёрлаш режалаштирилган.

⊙ ТЎРТКЎЛ районидаги Димитров номли колхозда экиш мавсуми бошланди. Лекин энди бу ерда ҳамма майдонларда фақат пахта экилмайди. Ҳозир беда ва ноанъанавий қишлоқ хўжалик экинларига ҳам эътибор бериляпти. Чунончи, ўн гектар ерда кунжут етиштирила бошланди. Бу ерга ерёнғоқ ҳам экилади. Олма ва ўрик кўчатлари ҳозирнинг ўзидаёқ барг ёзиб қолди — колхоз боғларининг майдони 15 гектар кенгайди. Хўжаликда маҳсулотнинг анча қисмини колхозчиларнинг ўзларига қолдиришга қарор қилишди.

(ЎзТАГ).

«Тошкент оқшоми»нинг хатлар бўлимида

Танқидга лоқайд бўлмайлик

⊙ «Оқшом» рўзномалари йил бошидан бери 3602 та мактуб олди.

⊙ Ўтган йили муштарийларимиздан 23 мингга яқин хат келди. Шуларнинг 16276 таси рўзномаларда эълон қилинди, 5770 таси эса жойларга текшириш учун юборилди.

РЎЗНОМАМИЗГА келаётган мактубларни кўздан кечирсангиз уларнинг турли мавзуларда эканлигига, оқшомхонлар ўзларини тўлқинлантираётган ва ечимини кутаётган муаммоларни қаламга олганликларига ва уни ҳал этиш борасидаги қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирганликларига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Чиндан ҳам қайта қуриш ва ошкоралик пайтида ўзимизнинг дилимиздаги гапни дадил айтадиган, муаммоларни қўрқмасдан кўтариб чиқадиган бўлдик. Бинобарин республикамиз пойтахтида олиб борилаётган хайрли ишлар билан бир қаторда шаҳримиз шаҳар хўжалиги, савдо, маиший хизмат ва бошқа соҳаларда ҳали йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳам кўзга яққол ташланиб бормоқда. Шу боисдан рўзномага келаётган аксарият мактубларнинг ана шу мавзуларга бағишланаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Мактубларда яна бир нарса кўзга ташланиши кишини қувонтиради. Куюнчаклик, ҳаётимизни яхшилашга интилиш ва бу ишга шахсий улуш қўшиш юзасидан қимматли таклиф ва мулоҳазалар ана шулар жумласидандир. Бинобарин ҳозирги пайтда Советларга, сайловчиларнинг наказларини бажаришга муносабат тубдан ўзгарди. Республика халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларнинг депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар пайтида ҳам бунга яққол ишонч ҳосил қилдик.

Хўш, у ёки бу жабҳага раҳбарлик қилаётган ходимларнинг ишга муносабати қандай, улар фуқароларнинг ариза ва шикоятларига қандай муносабатда бўлишяпти, қабул соатлари қандай ташкил этилган? Рўзномамизга хат йўллаган Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Н. Обидованинг хати худди мана шу саволимизга жавоб беради.

— Мени Акмал Икромов районидаги 8, 24-мавзеларда жойлашган уйларнинг қандай иситилиши масаласи ташвишлантиради, — деб ёзади у ўз хатида. — Гап шундаки, 25-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасидагилар шу масала юзасидан ҳеч қандай чора-тадбирларни кўрмаяптилар. Кекса ва хаста кишига меҳр-оқибат шуми?

Хат муаллифининг бунчалар куюнчаклик билан редакцияга мурожаат қилишининг сабабини аниқладик. Қўлимизда уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмасидан А. Набиев имзо чеккан жавоб хатида шундай дейилади: «Ҳозирги вақтда уй иситилмоқда ва аҳоли иссиқ сув билан таъминланмоқда. Илтимос, аризани назорат қутисидан олиб қўйсангиз...».

Шу жавобнинг ўзидан бир нарса аён бўлиб турибди: жавоб хўжакўрсинга ёзилган, холос. Бинобарин редакцияга мурожаат қилган онахон агар уйи рисоладагидек исиб турганида у қўлига иккинчи бор қалам олмаган бўлар эди. Буни наҳотки А. Набиев тушунмаса?!

Биз кейинги пайтларда меҳр-шафқат тўғрисида тез-тез гапирадиган бўлиб қолдик. Бунинг боиси тушунарли, албатта. Лекин ваъда вафоси билан гўзал-да! Биз кўпинча ўзимиз меҳнат қиладиган хўжаликда зарур тартиб ўрнатишга шошилмаймиз. Масалан, яна Акмал Икромов районидан келган мактубларни қўлга олсак бунга ишонч ҳосил қиламиз. Чунки бу мактублар районда иситиш мавсумига ёмон тайёргарлик кўрилганидан далолат беради. Жумладан, 24-мавзенинг 46-уйида истиқомат қилувчи аҳоли 2-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасининг уч йилдирки, иситиш мавсуми пайтида ўзи бажариши зарур бўлган вазифаларни адо этмаётганлигидан ғазабланиб ёзганлар. Аҳолининг район уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмасига, район ижроия комитетига мурожаати ҳам ҳеч қандай натижа бермаган.

Рўзномага келган ана шу ташвишли хабарлар сабаб бўлиб «Оқшом»да «Бу нарса рўй бермаслиги мумкин эди» деган мақола эълон қилинди. Унда уй-жой-коммунал хўжалиги хизматининг қишга тайёргарлик ишлари таҳлил қилинди. Лекин рўзноманинг шу чиқишига мутасадди ташкилотлардан ҳанузга қадар жавоб олинганича йўқ. Худди шундай ҳолни «Маҳалладош»да эълон қилинган мақолаларга бўлган муносабатда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, «Маҳалладош»нинг 9-сонидаги «Ароқ топиб бер» мақоласига ҳанузга қадар жавоб келгани йўқ. Октябрь район Совети ижроия комитетида ҳам рўзнома чиқишларига ва меҳнаткашларнинг редакцияга йўллаган хатларига ўз вақтида жавоб қайтаришга ўрганишмаган кўринишади.

Шаҳардаги почта алоқаси ишлаб чиқариш техника бошқармаси, китоб савдоси идораси, Куйбишев, Киров, Ҳамза, Чилонзор район Советлари ижроия комитетлари ҳам рўзнома чиқишларига жавоб беришга шошилишмаяпти. Афтидан юқорида номлари келтириб ўтилган ташкилотларнинг раҳбарлари ҳар бир хат ортида инсон турганлигини, улардан нажот ва жавоб кутаётганлигини унутиб қўйишган кўринишади. Бинобарин бундай ҳолга айниқса ҳозирги пайтда асло ўрин бўлмаслиги керак.

«Оқшом» рўзномасига келган кўпчилик мактубларда мухлисларимиз шаҳар хўжалиги, шаҳримиз ободончилиги, маиший хизмат ва бошқа соҳалардаги нуқсонлар ҳақида куюниб фикр юритадилар, уй-рўзғор ташвишлари, баъзи оилаларда бўлаётган келишмовчилик ва можаролар тўғрисида ёзадилар, кексаларни қадрлаш, меҳр-шафқатли бўлиш тўғрисидаги қимматли маслаҳатларини берадилар.

Мактублар, мактублар... Чиндан ҳам ҳар бир хат ортида инсон, уни ўйлантираётган ва ташвишга солаётган муаммолар ётибди. Шундай экан, биз меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларига ғоятда сезгирлик билан муносабатда бўлиш кераклигини юқорида номлари келтириб ўтилган ташкилотларнинг раҳбарларига яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз. Рўзномада эълон қилинган ҳар бир танқидий хабар, ҳар бир мақолага ўз вақтида ва аниқ жавоб қайтариш уларнинг бурчи бўлиши лозим. Айниқса, бу нарса қайта қуриш ва ошкоралик даврида ўзгача мазмун касб этмоқда. Буни асло унутмаслик керак!

З. АЪЗАМХЎЖАЕВА,
«Оқшом» рўзномалари хатлар бўлимининг мудири.

Хориждан хабарлар

⊙ НЬЮ-ЙОРК. Ўта замонавий «Хаббл» телескопи космик саёҳатга чиқишга тайёр. Бу хабар Флорида штатидаги Канаверал бурунида жойлашган космодромдан олинди. У ерда кўп марта фойдаланиладиган «Дискавери» космик кемасини учиришга тайёрлаш ишлари тугалланаяпти.

Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ этиш миллий бошқармасининг мутахассислари 1,5 миллиард доллар турадиган телескопнинг мураккаб қурилмасини текшириб чиқдилар. Ҳозирги кунда бу, космик тадқиқотлар учун мўлжалланган энг қимматбаҳо автоматик ускуна ҳисобланади. «Дискавери» экипажи орбитага олиб чиқадиган ва ҳисоб-китобларга кўра у ерда 15 йил мобайнида фойдаланиладиган телескоп олимларга космосни чуқурроқ ўрганишда ёрдам беради. Хусусан, телескоп ерга коинотнинг «катта портлаш» натижасида вужудга келгани тўғрисидаги назарияни текшириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотни бериши кутилмоқда.

⊙ БМТ. БМТ бош секретарининг Афғонистон ва Покистондаги шахсий вакили Бенон Севан Афғонистонда кенг қамровли сиёсий барқарорликка тезроқ эришишни енгиллаштириш учун ҳаракат қилмоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида БМТ бош секретари вакилининг хабар қилишича. Бенон Севан Эрон ташқи ишлар министри Али Акбар Вилоятий билан учрашиш учун Теҳронга борди.

БМТ бош секретарининг шахсий вакили Афғонистоннинг Эрондаги турли оппозициячи гуруҳлари билан ҳам бир қанча учрашувлар ўтказиш ниятида. Бенон Севан Теҳрондан кейин Римга жўнаб кетади. Кўпгина кузатувчиларнинг фикрича, Бенон Севан Италия пойтахтида Афғонистоннинг собиқ подшоси билан учрашади, зотан БМТдаги расмий кишилар ҳозирча буни тасдиқлашмаяпти.

⊙ МАНАГУА. Никарагуанинг шимолий ва марказий департаментларида ҳаракат қилаётган бир қанча аксилинқилобий тузилмаларнинг қўмондонлари 25 апрелга қадар тинч турмушга қайтишдан бош тортмоқдалар. Улар «Никарагуада тўла демократия қарор топганидан кейингина қуролни ташлаш» ниятида эканликларини таъкидламоқдалар.

Никарагуа президенти Даниэль Ортега журналистларнинг саволларига жавоб бериб, шу муносабат билан «халқ ва мамлакат хавфсизлигини ҳимоя қилиш каби қонуний бурчини ўтаётган армия қуролсизланишни истамаётган контраслардан юз ўгириши»ни таъкидлади. Контраслар тарафдори бўлган экстремист доиралар, деди президент, «ҳокимиятни қўлга олишни режалаштирмоқдалар», шунинг учун халқ ва армия ҳушёрликни сусайтира олмайди.

⊙ КОЛОМБО. Шри-Ланка ҳукумати миллий бирликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини тезлаштириш мақсадида кўп ғайрат қилмоқда. Март ойининг охирларида шимоли-шарқий вилоятдан Ҳиндистон ҳарбий қисмлари олиб чиқиб кетилиши тугалланган кундан бери мамлакатдаги аҳвол рисолага келмоқда, деди парламент сессиясининг очилишида сўзга чиққан Шри-Ланка президенти Ранасингхе Премадаса. «Тамил илам озодлик йўлбарслари» тамил ташкилоти «демократик жараёнга қўшилишга» тайёр эканлигини маълум қилди. Яқин келажакда мамлакатда амал қилаётган фавқулодда ҳолатни бекор қилиш учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Президентнинг сўзларига қараганда, кўп йил давом этган сингал-тамил халқлари орасидаги можаро сабабли путур етказилган миллий иқтисодиётни тиклаш учун яхши истиқболлар мавжуд. Бу йил саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари 6 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шри-Ланка озодлик партияси билан бирлашган социалистик иттифоқ вакиллари парламент сессияси очилишини бойқут қилдилар. Бирлашган социалистик иттифоққа тўртта сўл партия, шу жумладан коммунистик партия ҳам киради. Улар ҳукуматнинг шимоли-шарқдаги аҳволни барқарорлаштириш ва кундалик эҳтиёж молларининг нархлари қимматлашиб бораётганлиги масалалари юзасидан тутган йўлига қарши норозилик белгиси сифатида шундай қарор қабул қилдилар.

⊙ ТИРАНА. Нуфусшуносларнинг маълумотларига қараганда, Албания Европадаги энг «ёш» мамлакатгина эмас (унинг аксарият аҳолиси ўртача 28 ёшда), бу мамлакат катта оилалар миқдори ва қариндошлик ришталарининг мустаҳкамлиги бўйича жаҳонда биринчи ўринлардан юқорисини эгаллаши ҳам мумкин экан.

АТА агентлиги келтирган статистика маълумотларига қараганда, Албаниядаги оилаларнинг 80 фоиздан кўпроғини биринчи никоҳдаги эр-хотинлар ташкил этади. Шу оилаларнинг ҳар бирида камида тўрт аъзо бор. Кейинги уч йил ичида турмуш қураётганлар миқдори ҳар минг аҳоли ҳисобига йилига ўртача 5 — 7 фоиз кўпайиб борган. Айни пайтда ажрашиш ҳоллари кўп эмас ва тобора камроқ юз бераяпти.

«Албанияда меҳнаткаш омма турмуш даражасининг тобора ўсиб боришини таъминловчи социализм моддий-техника базаси вужудга келтирганлиги, — деб таъкидлайди АТА агентлиги, — бунда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда».

⊙ ГЕРМАНИЯ Федератив Республикаси Эркин демократик партияси раиси Ламбсдорф яқинда баёнот бериб, Германия Федератив Республикаси Германия Демократик Республикасининг ҳамма ташқи қарзлари — 18 миллиард долларни тўлайди, деб айтди.

⊙ ҚОҲИРА. Мисрда овчилар туризмини чеклаш хусусида махсус фармон эълон қилинди. Эндиликда чет элликлар учун ов ташкил қилишга ихтисослашаётган барча туристик фирмалар туризм министрлигига ов қилинадиган ерлар ва отилиши мўлжалланаётган паррандаларнинг турлари ҳақида олдиндан батафсил хабар қилишлари керак. Назорат қилиш учун егерларнинг махсус группалари тузилмоқда, улар чет эллик овчи-туристларга ҳайвонлар ва паррандаларнинг ноёб турларини отилишига йўл қўймаслик мақсадида ҳамроҳлик қиладилар.

Ҳозирги пайтда ҳайвонлар ва паррандаларнинг кўп турлари тўла йўқолиш хавфи остида қолган. Бу тадбир Миср ҳайвонот оламини сақлаш мақсадида кўрилди.

(ТАСС).



⊙ КОРХОНА МАШЪАЛЛАРИ. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг Тошкент ишлаб чиқариш комбинати илғорлари Абдумалик Иноғомхўжаев ва Еқутхон Бобоева. Т. Каримов суратлари.



ДИЁРИМИЗДА баҳор фасли бошланганидан бери кўча-хиёбонларга, очиқ майдонларга, боғ-томорқаларга турли дов-дарахтлар, мевали нав-ниҳоллар ўтқазиб шаҳримизни боғ-роғга айлантириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармаси қуриб қолган 4 мингта дарахтни кесиб ташлаш ишини кўчатларни ўтқазишдан олдин амалга оширилишини режалаштирганлар. Кўкаламзорлаштириш икки ойлиги давомида шаҳримизда 2 минг туп мевали, 4,5 минг туп манзарали дарахт ва 150 мингта кўчат ўтқазиш мўлжалланмоқда. Яшил зоналаримиз майдони бугунги кунда 12 минг гектардан ортиқроқ бўлгани билан, бу ҳар бир кишига 4,24 квадрат метрдан тўғри келади. Бу кўрсаткич эса белгиланган нормадан кам.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетида

СОФ ҲАВОНИ ҚАДРЛАНГ

Шаҳардаги дарахтлар атмосфера ҳавосининг зарарли моддалар билан заҳарланишини 14 — 44 фоизга камайтиради. Ходимларимиз шу яқин кунларда 26 та саноат корхоналарида ва 10 та автотранспорт хўжаликларида текширув ишлари олиб боришди.

Шуниси ажабланарлики, Тошкент тўқимачилик саноати машинасозлиги заводида кўпчилик газларни тозалагич мосламалари ишламайди.

«Ҳимчистка» фабрикасида ишлаб чиқариш ва маиший эҳтиёжларга ишлатиладиган сув тозаланмасдан шаҳар канализациясига қуйиб юборилмоқда. Фабрика сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатномага ҳам эга эмас. Назоратчиларимиз томонидан берилган кўрсатмалар бажарилмасдан келмоқда. «Ўзбекистон ирригация сув қурилиши конструкцияси» қурилиши бирлашмасига қарашли ёғочсозлик комбинатида ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида бир қанча камчиликлар бор. Сувни сарфлаш ҳисоби олиб борилмайди. Сув тўпланадиган қудуқ бетонланмаганлиги учун ер ости суви оқава сувлар таркибидаги зарарли моддалар билан ифлосланмоқда.

Ана шундай атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида йўл қўйилган камчиликлар учун комбинат бош инженери ўртоқ А. Исҳоқовга жарима солинди.

Автотранспорт хўжаликларини текшириш ишлари давомида 732 та текширилган автомобилдан 66 таси чиқарган газларнинг заҳарлилик миқдори нормадан юқори эканлиги аниқланди.

СССР Кимё саноати министрлигига қарашли «Совпластитал» ишлаб чиқариш бирлашмасининг махсус фирма магазини томида 26 февраль куни олиб борилган гидроизоляция ишлари учун сақич очиқ ҳавода эритилган. Натижада атмосфера ҳавоси фенол сажа каби инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун жуда зарарли бўлган моддалар билан заҳарланган.

Ана шундай табиатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларини бузганликлари учун бирлашма бош директорининг маиший ишлар бўйича ёрдамчиси ўртоқ Э. М. Садовников устидан ёзилган ҳужжатлар Октябрь район ижроия комитетидаги маъмурий комиссияга жўнатилди.

Шаҳримиздаги кўпгина корхоналарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига бундай совуққонлик билан қаралаётганлиги кишини ташвишга солмай қўймайди.

Ойшахон ҚУРБОНОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети катта мутахассиси.

ЖИЙДА ГУЛИ

ЯҚИНДА мен Польша Халқ Республикасига бориб, у ерда мевали дарахтлар, гулларни кўриб ҳайратда қолдим. Кўчаларда қизил олмалар, ноклар пишиб, шохлари пастга осилиб ётибди. Ҳеч ким узиб-талаётгани йўқ. Чунки, бундай мевали дарахтлар жуда кўп. Кўриб ўйланиб қолдим: ахир бир вақтлар Ўзбекистонимизда ҳам шундай эдику?! Энди эса, бир дона олмани узиб олмоққа зоо бўлиб қолдик. Айниқса, шаҳар болалари табиатнинг гўзаллигидан баҳра ололмай ўсяптилар.

Улуғ педагогларимиздан Сухомлинский шундай деганди: «Тозалик ҳақида гапирмоқ эмас, супурги олиб супурмоқ керак». Биз ҳам ҳар биримиз, 4-5 тупдан дарахт эксак ва бир ҳафтада бир марта сув қуйиб парвариш қилсак қандай яхши иш бўларди.

Эндиликда ҳар бир жумҳурият ўз тараққиётини ўзи мустақил белгилайди. Биз буни чин қалбимиздан табриклаймиз. Ўйлайлик, шаҳар ва қишлоқларимизни боғ-роғ қилишга энди масъулият билан қаралади.

Қадимдан бир ривоят бор: бир неча юз йиллар бурун бир подшоҳ ўтган экан. Кунлардан бир куни у узоқ сафарга чиққанида, юртидан чопар келиб ҳунук хабарни етказибди: «Подшоҳим, саройга, мачитга ўт кетди». Подшоҳ хафа бўлиб чопардан сўрабди: «Мачит ёнидаги чинор омонми?» Чунки саройни, мачитни нари борса бир йилда тиклаб олар, лекин ота-бобоси ўтқазган чинор дарахтини ўстиришга 100 йил керак.

Шунинг учун ҳам инсон учун зарур бўлган мевали дарахтлардан ёнғоқ, жийда, ўрик, олма, нок каби кўчатларни кўплаб экиш зарур, яхши ният билан келгуси авлодларга қолдириш учун.

Ҳурматли оқшомхонлар ўйлашлари мумкин: бу аёлнинг ўзи нимани қойиллатди экан, деб. Мен ўсимликлар дунёсига жуда қизиқаман. Илгари «дом»да турар эдик, ерга ишқибоз бўлиб бир ташландиқ жойни сотиб олдик, уй солдик. Кейин мевали дарахтлар экдик, уйимизда ҳамма мева дарахтларидан бор. Ҳатто кўчага ҳам смородина, жийда, ўрик, олча экканман. Мақсадим, ўтган-кетганнинг оғзи тегсин, болалар тўйиб есин. Айрим одамлар «Биз «дом»да турамиз, дарахтни қаерга ўтқазамиз?», дейишлари мумкин. Катта уйлар орасида ҳам ерлар кўп, фақат улардан унумли фойдаланилса бўлгани. Масалан, биз кўпқаватли уйнинг олдига жийда, балх тути, ёнғоқ, олча экдик. Айниқса, жийда гуллаганда уйимиз олди ва ён атрофини жийда гулининг ҳиди тутиб кетади.

Оқ тутни асфальт ёнига экканмиз, мақсад, шу ер озода тутилса, ўйнаб юрган болалар ейди. Бу тутнинг меваси барча мевали дарахтлардан олдин — май ойининг охирида пишади.

Улуғ Ватан уруши йилларида очарчиликдан кўплаб одамлар ўлган... Аммо балх тутининг мевасидан тановул қилиб жонларини сақлаб қолганлар ҳам анчагина.

Азизлар, бундоқ ўйлаб кўрсак ҳозирги бозордаги нарх-навонинг ошиб кетишига биз ҳам айбдормиз. Одамлар борки, умрида бир дона дарахт экмаган, экинларни суғормаган, наҳотки табиатга шунчалик бемеҳр бўлиб кетяпмиз.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, ҳар бир киши серқуёш Ўзбекистонимизни боғ-роғ қилишга ўз ҳиссасини қўшса ўзи учун, инсонлар учун катта савоб иш қилган бўлади. Бозорлардаги нархнаво киши дилини ранжитмайдиган даражага тушарди.

Санобар БОБОХОНОВА,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

«Чаппар уриб гулласин боғлар...»

КЎКАРГАНИ ҲИСОБ

Алвонранг гул экдим, токи келажак,
Ердаги қуёш бу, десин чаманни.
Номард ўлиб кетсин, безамас экан
Ўзи туғилиб ўсган азиз Ватанни.

Ғафур ҒУЛОМ.

ҲА, академик отахон шоиримиз айтганидек, шу Ватан музофотида нафас олиб турган инсон имкониятига қараб бир-икки туп мевали ниҳол ёки беш-ўн тупгина хилма-хил гул экмаган кишига қандай баҳо бериш керак! Албатта, бундай кишилар ўзини ҳам, ҳаётни ҳам, табиатни ҳам севмайди ва бошқаларни ҳам бундай хайрли ишга жалб этмайди. «Боғлар шаҳри» деб таъриф олган пойтахтимизни гўзал ва яшил бўлишига ҳар бир яхши ниятли киши ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Шаҳримизда оғир аҳволга келган экологияни тузатиш учун кейинги пайтда зарур тадбир-чоралар кўрилмоқда. Халқимизнинг қадимий яхши анъаналари—ҳар баҳор мевали дарахтлар экиш, ариқ-зовурларни тозалаш каби хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу масалага жиддий эътибор бермоқда. Маълумки, яқинда Тошкентнинг бош режасининг муҳокамасига бағишланган анжуманда пойтахтнинг тарихий қиёфасини қайта тиклаш, ўлкамизда боғ-роғлар, узумзорлар яратиш, манзарали ва бошқа ниҳоллар экиш икки ойлигини ўтказиш тартиби ҳақида муҳокама юритилди. Уларнинг муҳокамалари «Тошкент оқшоми» рўзномасининг 9 март сонида чоп этилди. «Чаппар уриб гулласин боғлар...» мақоласи орқали берилган фикр-мулоҳазаларда жуда муҳим тадбирлар айтилган. Агар шу айтилган фикрларнинг ҳеч бўлмаганда 50 фоизи амалга оширилса пойтахтимизда шубҳасиз жиддий ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Айниқса, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномалари давра суҳбатида қатнашган ўртоқлар жуда муҳим муаммоларни (бор ҳақиқатни) ўртага ташладилар. Давра суҳбатида қатнашган академик Маҳмуд Мирзаев, Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ўзбекистон ССР халқ депутати Эркин Воҳидов, ёзувчи Дадахон Нурий ва бошқалар куюнчаклик билан пойтахтимизни ҳақиқий боғ-роғларга айлантириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида кўп яхши фикрлар билдирдилар. Айниқса, Д. Нурий шаҳримиздаги камчиликларни жуда тўғри очиб ташлаган. Маълумки, Д. Нурий ўн йиллардан буён пойтахтимизнинг, айниқса, Эски шаҳар қисмидаги мавжуд боғлардан ибарат бўлган маҳаллаларни сақлаб қолиш ҳақида бир қатор мақолалари билан матбуотда кетма-кет чиқишлар қилди. Унинг «Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрик» мақоласи кенг жамоатчилик томонидан маъқулланди. Ўшанда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги «Гуручариқ» маҳалла аҳолиси «Энди боғимиз сақланиб қолса керак» деб хурсанд бўлди. Аммо мақола босилиб чиққандан сўнг, бир ой ўтмай аввало маҳалла марказидаги бир гектар жойни эгаллаб турган боғни собиқ чинни заводи раҳбарлари бир кечада яксон қилди. Кечаси бульдозер билан ағдарилган дарахтлар узоқ жойлардаги жарликларга элтиб ташланди. Ўша вақтда бундай номаъқулчиликни қилган кишини жазолаш ўрнига тўғри мақола ёзган Дадахон Нурийга хуруж қилинди. Оқибатда маҳаллада яшовчи 400 га яқин хонадонга давлат пул тўлади ва мингга яқин квартира билан таъмин этди. Ваҳоланки, шу маҳалла (Дадахон айтганидек) сақланиб қолинганда, биринчидан халқ безовта бўлмасди, иккинчидан давлатнинг миллионлаб пули беҳудага сарфланмасди. Учинчидан, 1000 га яқин квартира муҳтож кишиларга берилиши мумкин эди, энг зарури, шу маҳаллада етилган тонна-тонна мевалар Тошкент бозорига борарди.

Ҳа, бундай ҳаракатлар туфайли шаҳримиздаги боғ-роғлар, ўрнини заводфабрикалар эгаллади. Албатта, эндиликда бу нуқсонларни тезда тугатиб бўлмайди. Бунинг учун шу ишга мутасадди ўртоқларнинг бошчилигида бутун жамоатчилик амалий ишга киришмоғи лозим.

Мен шу ўринда лоақал шаҳримиздаги энг катта ҳисобланган Абдулла Қодирий номли кенг кўчани намуна сифатида мевали дарахтлар экилган кўча бўлишини истардим. Чунки бу кўча эски шаҳар билан янги шаҳарни боғловчи катта кўчалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, кўча 2 томонлама ҳаракатга эга бўлиб, ўртаси 40 метр кенгликдаги хиёбондан иборат. Шу ўрталиққа бундан 20 йиллар илгари экилган қарағай, акация, чинор, терак ва бошқа мевасиз дарахтлар иморатбоп бўлиб етишган. Шу кунларда бутунлай илдизи билан қўпориб олиш вақти. Агар яна 1—2 йил сақланса дарахтлар қуриб қолиб, ҳеч нарсага ярамайди. (Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина тераклар қуриб қолган). Шу билан бирга, кўчанинг икки четидаги арчаларни қолдириб орасидаги баҳайбат дарахтларни ҳам тағи билан кесиб олинса, орқадаги кўркам бинолар кўзга ташланиб шаҳарга чирой беради.

Яқинда мен шу кўчани пиёда кездим. Айрим ишлар бошланибди. Ҳозир бу ерда 50 га яқин ишчилар техника воситаси билан айрим бесўнақай ва қуриган дарахтларни кесиб, тагини тартибга солмоқдалар. Аммо минг афсуски, дарахтдан бўшаган ерларга яна мевасиз акацияни қалаштириб экиб ташлашмоқда. Келинг азизлар, А. Қодирийнинг хотираси учун шу кўчани боғ кўчага айлантирайлик.

Ҳамидулла ИЎЛДОШЕВ,
кекса педагог.

Гуллар оламида

ЧИМЁН ЛОЛАСИ

Шоирлар лолани ёқут пиёла, қуёшнинг бир парчаси, ёниб турган юрак каби сифатлар билан ифодалайдилар. Пиёдошлар оиласига мансуб кўп йиллик хушманзара ўсимлик бўлмиш лола пойтахт областимизнинг Чотқол тизмасида, Оқбулоқ ва Чимён тоғларида, қоя тошлар ва шағалли ёнбағирларда якка-якка ва кичик гуруҳлар ҳосил қилиб ўсади.

Лоланинг гуллари қизил, баъзан сариқ бўлади. Апрель ойида лолалар қийғос гуллайди, июнь ойининг бошларида уруғи пишади.

Баҳор кунлари лола сайлига чиққанда, лолани териш мумкин, лекин унң илдизпояси билан юлиб олмаслик керак. Лола илдизпояси қолдирилса, у янаги йилда яна очилади ва ҳар биримизнинг баҳри-дилимизни яйратади.

ТОҒЛАР ҲУСНИ

Гули зардак деган айиқтовондошлар оиласига мансуб гул бор. Ў Ўзбекистонда фақат пойтахт областимизнинг Сўқоқ сой, Бош-қизилсой, Қизил Нура, Қизил олма ва Қурама тоғларининг юқори қисмларидагина ўсади.

Гули зардакнинг бўйи 20—25 сантиметр бўлиб, кўп йиллик ўт ҳисобланади. Барглари пояда кетма-кет жойлашган, панжасимон. Гуллари нафис, тўқ сариқ рангда бўлиб, жуда чиройли манзара беради. Бу нодир гул 40 минг донача сақланиб қолган бўлиб, Чотқол тоғ-ўрмон қўриқхонасида муҳофаза қилинмоқда. Саёҳатда бўлганингизда гули зардакни кўриб завқ олинг, лекин юлиб нобуд қилманг. Улар тоғларимизга ҳусн бўлиб турсин.

Тошқин РАВШАНОВ.

Китоб жавонингизга

«Наврўз тарихидан лавҳалар»



ДИЁРИМИЗДА Наврўз байрами кенг нишонланиб, миллий анъана ва урф-одатларимиз шодиклариимизда намоён бўлди, бу халқимизга ғоят хушкайфият бағишлади.

Маълумки, кейинги пайтда Наврўз тарихига тобора қизиқиш ортиб бормоқда, шу боис Наврўз ҳақида бир қатор китоблар нашр этилди. Шулардан бири тарих фанларн номзоди, шарқшунос олим Омонулло Бўриевнинг «Наврўз тарихидан лавҳалар» номли рисоласидир. Унда Наврўз тарихига оид маълумотлар ҳақида сўз юритилади. Муаллиф рисоланинг бошланишини «Табиат ва инсон байрами» деб номлаган. Бу бежиз эмас, албатта. Шарқ ёзма меросида Наврўз ҳақида тўла маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар мутафаккир олимлар Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонуни Маъсудий» ва «Ат-тафҳим» асарларида ҳамда Умар Хайёмнинг нодир асари «Наврўзнома» рисоласида ёзиб қолдирилган.

Рисоладаги ранг-баранг тафсилотларни ўз ичига мужассам этган иккинчи мақоланн муаллиф «Эронда Наврўз байрами» деб номлайди. Эрон халқининг исломгача бўлган даврдаги тарихидаёқ бир қанча байрам кунларн бўлган. Шулардан энг машҳури Наврўз эди. Эронликлар тарихида Наврўз байрам қилинганлиги тарихий асосларнни муаллиф Беруний, Умар Хайём ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарларидан фойдаланиб, илмий нуқтан назардан исботлаб берган.

«Наврўз Ўрта Осиёда» деган қисмда муаллиф Ўрта Осиёнинг йирик мутафаккир олимлари асарларига, С. Айнийнинг «Эсдаликлар», Ойбекнинг «Болалик» асарларидаги тарихий лавҳаларга эътиборнн қаратган. Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари — Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон каби бир неча жумҳурнятларда нишонланган Наврўз ҳақидаги қизиқарли тарихий янги маълумотлар китобхонни қизиқтирмай қолмайдн.

Китобдаги «Бойчечак», «Наврўз удумлари», «Наврўз ва жаҳон халқ байрамлари» деб сарлавҳаланган бўлимлардаги қизиқарли маълумотлар ҳам китобхонларга атрофлича маълумот беради.

Омонулло Бўриевнинг «Наврўз тарихидан лавҳалар» рисоласи тадқиқотлар дебочасидир. Шу каби асарлар жумҳуриятимизда кўп минг нусхада нашр этилса, маълум тегишли тадқиқотчи ташкилотлар Наврўз тарихига оид илмий ишларни кенгайтирсалар айни муддао бўлур эди.

Ўктам СИДДИҚОВ.

БАРГНИНГ БЕШ БАРМОҒИ

(Шингил ҳикоя)

Сариқ тепадан ошиб ўтиш билан уфқда қора-кўкимтир бир тўп булутга ўхшаб улкан чинор кўринади. Унга яқинлашиб борган сари салобати ортиб, кўкка кенг қулоч очгани хаёлни чулғаб олади. Тўқсон ёшдан ошган Мутал бобо шаҳардаги набираларини кўргани бораётиб, шу чинорни кўриб ўтай деб пиёда йўлга чиқади. Катта ўғли Бурхон енгил машинасида олиб бораман деса, Мутал бобо ўсиқ қошларини чимириб жеркиб беради:

— Ўзинг юраверг машинангда, мен пиёда юраман... Билиб қўй, пиёда юрганнинг умри зиёда бўлади.

Мутал бобо Қоплонбек қишлоғидан чиқиб, Сариқтепанинг сўқмоқларидан бир-бир ошиб ўтадида, азим чинор олдига келади. Саксовулдек чайир қўлларини ортига боғлаб чинорга суқланиб узоқ тикилади.

— «Омонмисан бобо чинор, — дейди хаёлда, оппоқ соқолларини бармоқлари билан тараб. — Мурғак бола пайтимда сенинг гиламдек соянгда бобом билан ўйнаганим ёдингдами? Бобом оламдан ўтди. Кузатдинг. Отам билан атрофингда далада ишлаб, соянгда дам олардик. Отам ҳам дунёдан кўз юмди. Кузатдинг... Э, бобо чинор, сен узоқ умрингда қанча-қанча одамларни кўриб, уларга соянг, тоза нафасинг, яшиллигинг, салобатинг билан яшашга мадад бердинг, қанча-қанча одамларни у дунёга кузатдинг... Сени севардим, сени садоқатли саодат деб билардим, мана узоқ яшадим. Сенга ихлос қилган, умрингга ҳавас қилган одам узоқ яшайди. Омон бўл, мендан кейинги ҳамма авлодларнинг ҳам умрига умр қўшиб яшайвер, бобо чинор!»

Мутал бобо битта япроқни қўлга олиб чинор танасига суяниб ўтиради-да, улкан бу дарахтдан куч-қувват олаётгандек тани жимирлаб, қони жўш уриб ҳузуруроҳат қилади, япроққа тикилиб ўсиқ қошлари остидаги бургутникидек кўзлари ҳайратга тўлади:

«— Ё қудратингдан, ё алҳазар! — дейди буришган лаблари пичирлаб, — Чинорнинг япроғи ҳудди панжага ўхшайди-я... Буни қара, япроқда бир, икки, уч, тўрт, беш—бешта бармоқ бор экан-а, шу пайтгача ҳеч эътибор қилмаган эканман-да... Чинор ҳар бир япроғини қўл қилиб, она табиатни асраб тургандек бўларкан... Ассалому алайкум Чинор бобонинг қўли, ўзинг одамларга мададкор бўл!».

Мутал бобо оқ дўпписи ичига чинорнинг беш бармоққа ўхшаш япроғини солиб кияди-да, шаҳарга томон жўнайди. Бобо чинор уни салобат билан кузатиб шамолда: «Умр, умр, умр азиз!» деяётгандек шовуллаб қолади, буни эшитиб бораётган Мутал бобонинг томирларида қон жўшиб, бутун аъзоитани ҳароратдан ловиллайди.

Тўлқин РАСУЛЕВ.



⊙ «МЕН БОБОМЛАРГА УХШАГАН БОҒБОН БЎЛАМАН».
Т. Каримов сурат лавҳаси.

«Дўстлик» хизматингизда

Сергели районининг Чоштепа кўчасида аҳолига яна бир қулайлик яратилди. Энди яқин-атрофда яшовчи аҳоли яқинда қурилиб фойдаланишга топширилган «Дўстлик» қаҳвахонаси хизматидан фойдаланишлари мумкин. Бу ерда турли хил хуштаъм таомлар, чанқовбосди ичимликлар савдога қўйилган. Шунингдек, емакхонада тандир нон ва сомсалар ҳам тайёрланади.

Б. ОРИПОВ.

Яшил дорихона

КАШНИЧНИНГ ХОСИЯТИ

КАШНИЧ бир йиллик, бўйи 70 сантиметргача етадиган ўт-ўсимлик, соябон гуллилар оиласига мансуб. Пояси майда қиррали, туксиз, ичи ковак, юқори қисми шохланган. Барги оддий, туксиз, илдиз олди барглари узун бандли, уч бўлакка қирқилган, қирраси тишсимон кесилган, поясининг пастки қисмидаги барглари қисқа бандли. Меваси — юмалоқ, қўнғир ёки сарғиш кул ранг, қўшалоқ донча. Июнь ойидан то августгача гуллайди. Меваси август-сентябрда пишади. Гиёҳ таркибида эфир мойи, дармондори С, каротин, рутин бор. Меваси эфир мойи, мой, оқсил, алколоидлар сақлайди.

Кашничнинг ватани Ўрта Ер денгизининг шарқий вилоятлари ҳисобланади. Ўрта Осиё жумҳуриятларида, Кавказда, Қримда, Украинада экинлашгирилган ва кенг кўламда етиштирилади. Баъзан ёввойи ҳолда учрайди. Кашнични хом ҳолида ош-кўк сифатида турли таомларга қўшиб қўлланилади. Меваси нонни, қандолатларни, гўшт ва балиқ гўштли консерваларини хушбўй қилишда ишлатилади. Кашнич уруғи майдаланган ҳолда йилнинг ёз пайтида янги гўштларга сепиб қўйилса, яхши сақланади. Кашнич эфир мойи упа-элик, фармацевтика саноатларида ишлатилади.

Кашничнинг шифолиги ҳам талайгина. Унда буриштириш хосияти бор. Ширасини сут билан қўшилса, лўқиллашни тўхтатади. Майиз ва асал билан эшак емга қарши ишлатилади. Янги узиб олинган кашнич ухлатади ва бурун қонашини тўхтатади. Қуритилган талқони ва кашнинг шираси билан оғизни чайқаш оғиз чақаларига наф беради.

Кашнич ўти иштаҳани очади, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилайди. Камқонликда (анемия), қон босими юқори бўлганда (гипертония) хасталигида, асабни тинчлантирувчи омил сифатида ишлатилади.

Гиёҳ ўти шираси, илдиз қайнатмаси, уруғи йўталга қарши, ўт (сафро) ва пешоб ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Илдизининг янги шираси ва қайнатмаси қизамиқ хасталигига даво. Ҳиндистон табобатида эса кашнич меваси пешоб ҳайдовчи, меъда хасталикларида қўлланилади. Тибет табобатида кашнич ҳароратни туширувчи ва чанқовни босишда ишлатилган.

Замонавий табобатда кашнич сафро ҳайдовчи, даволаш-парҳез сифатида, овқат ҳазмини яхшилашда ишлатилади. Кашнич меваси табобатда қадрланади.

Мевасидан дамлама тайёрлаш учун бир стакан қайноқ сувга 3 чой қошиқ мева солинади ва 15 минут дамланади. Кейин докада сузилади. Кунига таомдан ярим соат илгари 2 ош қошиқдан ичилади.

Кашничнинг шифолиги билан бирга, нохуш томонлари ҳам бор. Ҳўлини ва қуруғини кўп ишлатаверниш зеҳнни бузади. Кўзни хира қилади. Жинсий қувватни ва олат кўзғолишини сиидиради ва эрлик уруғини қуритади, юрак хасталигида ишемик, инфаркт (миокарди), қандли диабет, қон босими паст бўлган оғир юқумли хасталикларига чалинган беморларга ошкўк сифатида кашничнн истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
фармоналик доришунос.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

ЕР ОСТИ ЎТИШ ЙЎЛИДА





ТОШКЕНТ темир йўл вокзалидан фойдаланувчиларга яна бир енгиллик яратилди. Вокзал билан метронинг «Тошкент» бекатини боғловчи ер ости ўтиш йўли ишга тушди.

Илгарилари йўловчилар поездларга чиқиш ёки кассалардан билет харид қилиш учун вокзал атрофидаги катта майдонни айланиб ўтишарди. Эндиликда эса улар метродан чиқибоқ, ер ости ўтиш йўли орқали тўғридан-тўғри вокзал билан боғланадилар. Йўл-йўлакай эса эҳтиёжларга зарур бўлган кундалик рўзғор молларини харид этишга ҳам улгуришади. Бунга ер ости ўтиш йўлининг фойдаланишга топширилган қисмида қурилган қатор савдо расталари ёрдам беради. Расталардаги ўзига хос, унча катта бўлмаган дўконларда ҳозир ҳар хил саноат моллари, ширкат буюмлари билан савдо қилинмоқда.

— Қурилишни бизга қарашли ихтисослашган бригада қурувчилари олиб боришди, — дейди Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкентдаги ишчи таъминоти бўлими бошлиғи Қ. Исҳоқов. — Дўконлар қаторида аҳоли буюртмалари асосида пойабзал буюмлари тайёрловчи ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи ширкат цехлар ҳам бор.

Келгусида бу ердаги қулайликлар ҳажми янада кенгайтирилади. Турли хил маиший хизмат кўрсатиш бўлимлари ишлай бошлайди. Уларнинг хизматидан йўловчиларгина эмас, вокзал жамоаси, меҳмонхона ишчилари кенг фойдаланишлари мумкин.

Ер ости ўтиш йўлининг қурилаётган қисмида ҳозир ишлар қизғин бормоқда. Бош пудратчи ташкилот — 11-баланд иморатлар қурилиши трестининг 75-қурилиш бошқармасига қарашли участка бинокорлари кун сайин қурилиш ишлари суръатига суръат бағишламоқдалар. Иншоот тўла ишга тушгач, ер ости ўтиш йўлидан автомобилларни сақлаш жойи ҳам ўрин олади. Барча қурилиш-монтаж ишлари учун 40 миллион сўмлик маблағ ажратилган.

75-қурилиш бошқармасининг Н. Қодиров бошчилик қилаётган бригадаси бинокорлари тупроққа ишлов беришни ва участкани қурилиш монтажига тайёрлашни уюшқоқлик билан олиб боришяпти. 7-трестнинг 13-кўприк қурилиши отряди қурувчилари ва биринчи трестнинг 28-қурилиш бошқармаси пардозловчилари иншоотга алоҳида сайқал беришмоқда.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: ер ости ўтиш йўлининг чиқиладиган қисми ва савдо шохобчаси.

Т. Каримов суратлари.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

27-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича
1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Юқори малакали ёғочсоз-дурадгор (ўқиш муддати — 1 йил), **дурадгор** (ўқиш муддати — 3 йил), **бадний ва моделли мебель дурадгори** (ўқиш муддати—3 йил), **қурувчи дурадгор** (ўқиш муддати — 3 йил), **жилва бериш бўйича бўёқчи** (ўқиш муддати—3 йил), **пардозловчи, плита ётқизувчи, мозаикачи** (ўқиш муддати—3 йил).

БИЛИМ ЮРТИГА 9—11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Уч йиллик ўқишни тамомлаганларга диплом берилади. Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

27-ҳунар-техника билим юрти янги бинога жойлашган.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилган, спорт комплексида бокс, кураш, шахмат, шашка, иолейбол секциялари ишлайди.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4), 086/У формадаги медицина справкаси.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Спутник массиви, 4-квартал (19-троллейбус; 58, 40, 75, 98-автобусларнинг «27-билим юрти» бекати).

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79), 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

«УЗЭЛЕКТРОМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

47-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Радиоэлектрон ускуналари бўйича йиғувчи слесарлар, радиоэлектрон ускуналари бўйича монтажчилар, кенг профилдаги станокчилар, механик йиғув ишлари бўйича слесарь-пайвандчилар.

Билим юртига 9-синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади (ўқиш муддати 3 йил), **11-синф ҳажмидаги маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар 6—8 ой ўқиш муддати билан қабул қилинади.**

Ўқиш муддати 3 йил бўлган ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати 6—8 ой бўлган ўқувчиларга ойига 70 сўмдан стипендия тўланади.

Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ҳунар-билим юртида турли тўгараклар ва спорт секциялари ишлайди.

Билим юртини битириб чиққан кишилар Тошкент Электромеханика заводига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см). 086/У формадаги медицина справкаси.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Сергели-2, 64-«а» уй, (40, 58, 98, 99, 104-автобуслар; 19-троллейбуснинг «Сергели савдо маркази» бекати).

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

16 АПРЕЛДАН 21 АПРЕЛГАЧА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ — 17 апрелда
САНОАТ ВА ГРАЖДАН ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ — 16 апрелда;
АВТОМАТЛАШГАН БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ — 18 апрелда;
РАДИОЭЛЕКТРОНИКА ВА АВТОМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ — 20 апрелда;
КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ — 16 апрелда;
ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ФАКУЛЬТЕТИ — 16 апрелда;
НЕФТЬ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ — 17 апрелда;
САНОАТ ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ — 17 апрелда;
ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ — 17 апрелда;
ИНЖЕНЕР-ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ — 19 апрелда;
АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ — 21 апрелда;
ОЛМАЛИҚ КЕЧКИ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ — 21 апрелда;
ЧИРЧИҚ КЕЧКИ ФАКУЛЬТЕТИ — 21 апрелда;
АНГРЕН КЕЧКИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ — 21 апрелда;
ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ — 21 апрелда;

Белгиланган кунларда институтнинг барча факультет ва филиалларида қабул комиссияси аъзолари, мутахассис тайёрлайдиган кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари, ишчи ёшларни ҳунар-техника билим юртлари, мактаблар ва техникумларнинг битирувчиларини ҳамда барча ТошПИ билан танишишни ҳохловчиларни кутадилар.

Телефонлар: 41-13-51, 46-04-57, 46-80-96.
ТошПИ қабул комиссияси: 46-61-56.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТДАГИ ИХТИСОСЛАШГАН ИЖАРА ПУДРАТИДАГИ АЛОҚА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА:

барча категориядаги автомашиналарнинг ҳайдовчилари, экскаватор машинистлари, компрессор қурилмаси машинисти, газ-электр пайвандчилар, алоқа монтажчилари; кабелчилар, кавшарловчилар, станция ускуналари монтажчилари, инженер-тренерлар ва станция ускуналарининг техник-тренерлари, иқтисодчилар, сметачилар.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 48-уй — Киров район, аҳолини ишга жойлаштириш бўлими.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

16 апрель соат 19.30 да

УСТОЗ ВА ШОГИРД САНЪАТИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Бобомурод ҲАМДАМОВнинг
30 ЙИЛЛИК ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН

КОНЦЕРТ

ПРОГРАММАДА:
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ
хонандалар: Каримбой РАҲМОНОВ, Ўктам АҲМЕДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ иштирок этадилар.
Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ
КЕЧКИ ИНТЕНСИВ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИ
1990 ўқув йилига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ҚУЙИДАГИ ФАНЛАР БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАДИ: **математика, жамиятшунослик, она тили ва адабиёти.**

ЎҚИШ КУНЛАРИ: **душанба, чоршанба, жума, якшанба.**

МАШҒУЛОТЛАР 10 МАЙДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати 2 ой.

ҚАБУЛ КУНЛАРИ — **якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача.**

Қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш шарт: турар жойидан справка, иш (ёки ўқиш) жойидан справка, ўқиш учун 40 сўм пул Тошкент шаҳар турар-жой социал банкидаги 100141561-ҳисоб счётига ўтказилади, декан номига ёзилган ариза.

Бизнинг манзилимиз: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй, 6-корпус, 207-хона. Тайёрлов факультети.

Ўзбекистон ССР Маданият нозирлиги
М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

13 апрель соат 19.00 да
14 апрель соат 16, 19.00 да
15 апрель соат 12, 15 ва 18.00 да

«ЎЗБЕК ГИПНОЗЧИСИ»
Фарҳод РАЖАБОВ

ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА:

Гипноз, мўъжизалар. Иллюзион ревью, психологик тажрибалар. Африка бўғма илонлари билан олишув, шунингдек, руҳий таъсир орқали беморларни даволаш...

ҚАТТА КОНЦЕРТ

Қатнашадилар: Сиз ёқтирган хонандалар, эстрада юлдузлари, замонавий РОК группалари...

(Концертда гипноз билан ухлатилган томошабинлар ўзларининг санъатини намойиш қиладилар).

Томошадан кейинги соғайиш эса гипноз таъсири натижасидир.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-04.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

17, 18, 19 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

«КАМОЛОТ-89» конкурсининг голиблари
МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ ВА ОХУН МАДАЛИЕВ ИШТИРОКИДА
«ДЎСТЛАР КУЙЛАГАНДА ВА КУЛДИРГАНДА»

КОНЦЕРТИ

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-93-63, 44-18-12.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Юлдузли тунлар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/IV да **Аңқовлар чайқови.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Паранжи сирлари** (19.00).

КИНО

11 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КУЙЛОВЧИ ЧИҒАНОҚ» (катта зал, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (17, 19, 21.00).

Москва — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (17.00); «ТИРИК НИШОН» (19, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (жуфт советларда).

К. Ёрматов номли — «ҚОЧИШ» (18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЎЙНА-ЎЙНА» (18.30 21.00).

12, 13, 14, 15 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КУЙЛОВЧИ ЧИҒАНОҚ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Москва — «ЛИФТНИНГ ЧАП ТОМОНИДА» (11, 13, 15, 17.00), «ТИРИК НИШОН» (19, 20.40).

К. Ёрматов номли — «СЕВИМЛИ РОЖА» (13.30, 16, 21, 00); «ОҚ СУЯК» (11, 18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ДИСКО РАҚҚОСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «САБР КОСАСИ» (12, 14, 16.00), «ОДДИЙ АМЕРИКА» (18, 20.30).

КОРХОНАЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«КамАЗАВТОМАРКАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ
«КамАЗ» автомобиль техникасига эҳтиёт қисмлари тайёрлаш бўйича узоқ муддатга ҳамкорликни йўлга қўйишни
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Таклифлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 423812, Набережние Челни шаҳри, Москва проспекти, 87-уй.

«КамАЗавтомарказ» ишлаб чиқариш фирмаси.

Телекс: 224123 «Сервис», телефон 53-15-08.

Эълон юзасидан тушунтиришларни «КамАЗ»нинг қуйидаги адресда жойлашган республика автомарказидан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мирсолиҳов кўчаси, 17-уй.

Телефонлар: 91-64-67, 91-64-66.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги 236-ўрта мактаб томонидан **Икромова Муқаддас Юлдашевна** номига берилган Г — 018814 номерли йўқолган 8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Собир Раҳимов район озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси идораси жамоаси кадрлар бўйича идора раҳбарининг ўринбосари М. Иногомовга ўғли
Сирожиддин ИНОҒОМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ижроия комитети қошидаги «Поиск» тармоқлараро илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси группа раҳбари Л. М. Биковскаяга онаси
Хатижа Османовна БУБУШЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Пепси-кола, лимонад, Тошкент суви

ва бошқа чанқовбосди ичимликлар ҳамиша дастурхонимизда бўлсин десангиз, бўш шиша идишларни ўз вақтида топширинг. Саноатимиз бўш шиша идишлар танқислигини ўткир ҳис этмоқда.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИНГ МАКОНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

МАГАЗИНЛАР ҲУЗУРИДАГИ ПУНКТЛАР:

2-пункт — Вокзалолди майдони;
3-пункт — Полторацкий кўчаси, 20 «а»;
5-пункт — 4-Қўйлиқ массиви, 19-уй;
8-пункт — Файзиобод кўчаси;
10-пункт — Қорасув бозори;
14-пункт — Новий путь кўчаси;
20-пункт — 1-Қўйлиқ массиви, 16-уй;
22-пункт — Мунис кўчаси, 1;
26-пункт — Пирмуҳамедов кўчаси;
28-пункт — Тарас Шевченко кўчаси, 8;
30-пункт — Сариқўл кўчаси;
31-пункт — Куйбишев шоссеси, 844;
41-пункт — Мичурин кўчаси;
49-пункт — Стародубцев кўчаси;
50-пункт — Новий путь кўчаси;

АЛОҲИДА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ:

1-пункт — Фоменко кўчаси;
2-пункт — 2-Қўйлиқ массиви;
3-пункт — Будённий кўчаси, 10 «а».

Шиша идишларни уйдан чиқмай топшириш ҳам мумкин. Бунинг учун телефон орқали қуйидаги магазинларга қўнғироқ қилиш керак:

2-магазин — 99-74-25;
5-магазин — 90-27-73;
14-магазин — 91-60-40;
28-магазин — 56-09-45.

Савдо ташкилотининг ахборот-дистпетчерлик хизмати шиша идишларни топшириш билан боғлиқ сизни қизиқтирган саволларга қуйидаги телефонлар орқали жавоб беради: 44-98-64, 55-68-03.



Ленин район озиқ-овқат савдоси ташкилоти.

СИЗНИНГ БАҲОРГИ ЛИБОСИНГИЗ

Мана шу она-табиат уйғонаётган баҳорнинг қуёшли кунлари биз ҳам ёшарган, ясанган кўринганимиз келади.



ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ.

Эркакларга йўл-йўл ва катак-катак гули бўлган жигарранг ва кулранг, ҳаворанг костюмлар (бўйбасти 44—54, нархи 65 сўмдан 160 сўмгача) таклиф қилинади.

Бегим кунларда кийиш учун классик услубда тикилган хушбичим костюмлар жуда мос — унда сиз ўзингизни келишган, ишчан ва дадил ҳис этасиз. Бундай костюмларни тантанали маросимларда ҳам кийса бўлади — бунинг учун фақат мос кўйлак, галстук, пайпоқ сотиб олиш керак.

Сотувда шимлар ҳам бор (бўй-басти 46 дан 50 гача, нархи 26 сўмдан 37 сўмгача).

«ЛОРА», «МЕЛОДИЯ», «ЛИНА», «РУТА», «БИСТРИЦА» ва албатта, хонатлас хотин-қизларга мўлжалланган. Ушбу газламалар номининг ўзи романтик баҳор кайфиятини ҳосил қилади. Уларнинг ранги ва гуллари бир-бирига ўхшамайди: қизил-қора ранглар ва оқ матодаги абстракт расмлар, шунингдек зангори, ҳаворанг, жигарранг бошқа ранглар билан қурама ҳолда.

Ана шу турли-туман газламалардан сочингиз ва кўзингизнинг рангига, қоматингиз хусусиятларига мослаб бирини танлаш қийин эмас.

Қолган муаммоларни ҳал этишда сизга модалар журнали ёрдам беради.

Магазин соат 10 дан 20 гача танаффуссиз ишлайди, дам олиш куни — якшанба.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 10013.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.